

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА БУХОРО ЖАДИДЛАРИ ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ МАТБУОТ САҲИФАЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ

Сабиров Азизжон Рахмонович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ академик лицейи тарих фани

ўқитувчиси

Аннотация. Мақола мустақиллик йилларида Бухоро жадидлари ташқи сиёсатининг матбуот саҳифаларида ёритишига бағишлиланган бўлиб, бир қатор манбалар ва маоқлалар таҳлили асосида ушбу масаланинг моҳияти очиб берилган.

Таянч сўзлар. Бухоро, инқилоб, жадидлар, маърифатпарварлик, матбуот, даврий нашрлар, мухолифат, анги тузум.

ОСВЕЩЕНИЕ ВНЕШНЕЙ ПОЛИТИКИ ДЖАДИДОВ БУХАРЫ В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ НА СТРАНИЦАХ ПРЕССЫ.

Сабиров Азизжон Рахманович

учитель истории академического лицея

Министерство внутренних дел Республики Узбекистан

Аннотация. Статья посвящена освещению внешней политики джадидов Бухары в годы независимости Узбекистана. Раскрыта сущность данного вопроса на основе анализа ряда источников и статей.

Ключевые слова. Бухара, революция, модернизм, просвещение, пресса, периодика, оппозиция.

COVERAGE OF THE FOREIGN POLICY OF THE JADIDS OF BUKHARA DURING THE YEARS OF INDEPENDENCE IN THE PRESS PAGES.

Sabirov Azizjon Rakhmanovich

history teacher at the academic lyceum

Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

Annotation. The article is devoted to covering the foreign policy of the Jadids of Bukhara during the years of independence of Uzbekistan. The essence of this issue is revealed based on the analysis of a number of sources and articles.

Keywords. Bukhara, revolution, modernism, education, press, periodicals, opposition.

Кириш. 1920-йил 5-сентабрда Бухоро компартияси Марказқўми, Бухоро инқилобий қўмитаси ва РСФСР вакилларининг М.В.Фрунзе иштирокидаги қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Бухородаги инқилоб тўғрисида қўшни давлатларга табрик хабари бериш ва уларнинг барчаси билан дўстлик муносабатлари ўрнатиш зарурлиги масаласи кўрилди. Тезлик билан Афғонистонга вакилар юбориш, Совет Бухороси қўшни Афғонистон билан тинч шароитда яшаш ниятида эканлигини билдириш зарурлиги таъкидланди. Бу масъулиятли вазифа А.Юсуфзода зиммасига тушди. У 1921 – 1922-йилларда Бухоро Халқ Совет Республикасининг Афғонистондаги мухтор вакили бўлиб ишлади.

РСФСР ташқи ишлар Халқ Комиссари Г.В.Чечерин 1921-йил декабрда Советларнинг IX сеъздида ёзган ҳисботида дипломат А.Юсуфзода ҳақида тўрт марта тўхталди. “Бир неча кун кейинроқ, - деганди Г.В.Чечерин, - Кобулга Юсуфзода бошчилигига фавқулодда Бухоро миссияси келди... Афғонистон Бухоро республикаси билан шартнома лойиҳасини ишлаб чиқишига (1921-йил июн) киришди, у томон ҳам бу томон ҳам ўз лойиҳаси матнини тақдим этди”.

Юсуфзода бошчилигидаги Бухоро миссияси 1921-йил январида Кобулга келиб Бухоро ҳукуматининг бир қатор топшириқларини бажаришга киришди. Афғонистон ҳукумати билан савдо шартномасини тузиш тўғрисида дастлабки музокараларни олиб борди, Афғонистондаги бухоролик фуқаролармангфаатини ҳимоя этиш, Бухоронинг собиқ дипломатик ваколатчилигини қайтариш, доимий дипломатик ваколатхона ўрнатиш, тўғрисида музокара олиб боришни амалга оширишга киришди.

1922-йил 28-июлда Юсуфзода Файзула Хўжаев таклифи билан Бухоро вилояти ташкилий бюроси раиси этиб тайинланди, сўнгра Адлия нозири қилиб тайинланади. Бундан ташқари, у БХСР марказий ижроқўмига, Бухоро Компартияси Марказқўмига бир неча бор аъзо бўлди, Шарқий Бухорода фавқулоддаги давлат бошлиғи бўлиб, янги тузум мухолифларига қарши

курашга раҳбарлик қилди. 1923-йил ноябрдан А.Юсуфзода Москвада, Бухоро жумхуриятининг ССРдаги муҳтор вакили машҳур инқилобчи Сафо Жўрабойевнинг ўринбосари бўлиб ишлайди. 1924-йил сентабрда Бухоро Совет Социалистик Жумхурияти деб аталиши муносати билан муҳтор вакил А.Юсуфзода Бухоро ССЖнинг фавқулоддаги делегацияси билан биргаликда СССР Ташқи ишлар Халқ Комиссари Г.В.Чичерин томонидан қабул қилинади.

Мустақиллик йилларида Бухоро жадидлари ташқи сиёсатининг матбуот саҳифаларида ёритилиши масаласи кўпгина олимлар томонидан ўрганилган. Ана шундай маълумотлар бири, доцент Камол Раҳмоновнинг “Файзулла Хўжаевнинг Берлиндан Бухорога мактуби” мақоласида ўз аксини топган. Мазкур мақола Файзулла Хўжаевнинг Берлин шаҳридаги кечинмалари ҳамда Берлиндан туриб, Бухоро Республикаси Марказий фирмә кўмитасига юборган хати ҳақида маълумот беради.¹

Унда ёзилишича, 1922-йилда 19- ноябрда Файзулла Хўжайев Берлинда ташриф буюрган. Албатта, БХСР хукумати раҳбарининг Германияга ташрифи немис матбуоти ва ҳукмрон доираларини бефарқ қолдирмаган. Бу даврда Бухоро Республикаси билан Германиядаги Веймар Республикаси ўртасида сиёсий-дипломатик алоқалар ўрнатилмаган эди.. Ўша давр назари билан қарайдиган бўлсак, гарчи советлар БХСРнинг сиёсий фаолиятига ўзларини қарши бўлмагандек тутсалар-да, аммо айрим ҳаракатларида ўзларининг асл мақсадларини билинтириб қўяр эдилар, Бухоро-Германия ўзаро ҳамкорлик алоқалари Бухоро Республикасининг Москва шаҳридаги ваколатхонаси орқали амалга оширилиши фикримизга ёрқин мисол бўла олади. Файзулла Хўжаев бундай нозик масалаларни ҳам эътибордан четда қолдирмади, ва ўз мактубида даволаниш ва Олмониядаги бухоролик талabalар аҳволидан хабардор бўлиш учун бу мамлакатга келганлигини қайд этади.

¹ Kamol Rahmonov, Fayzulla Xo'jayevning Berlindan Buxoroga maktubi//Buxuro mavjilari.2008-yil.№1.B-34.

Германия даврий матбуоти эса: “Файзулла Хўжайев Олмонияга сиёсий ҳамда тижорий ишлар билан келган. Берлиндан Англияга, Италияга, Францияга, Белгияга, Чехословакияга ва Туркияга борадур эмиш”, – каби хабарларни босиб чиқарган.

Соғлиги танглигига қарамай, Файзулла Хўжаев ўша даврда Германиядаги сиёсий ва иқтисодий вазиятни чукур таҳлил қилган ҳамда тўғри баҳолай олган. Бухоро Республикасида саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, каналлар чиқаришда немис сармоясидан фойдаланиш имкони борлигини ўз хатида қайд этган. Бундан ташқари, Европадаги Германия, Австрия, Франция, Англия каби мамлакатларнинг иқтисодий аҳволи ва ўзаро рақобатини таҳлил қиласди, Олмония ва Англиядаги ишсизлик, АҚШ, Англия ва Франция ўртасидаги рақобат, 120 миллионли Россия билан Англия ва Франциянинг муносабатларининг ёмонлашуви уларга қимматга тушиши ҳақида тўхталиб ўтган. Ушбу тарихий маълумотлар Файзулла Хўжаевнинг моҳир дипломат бўлиши билан бирга зукко сиёsatчи эканлигидан далолат беради.

Мавзунинг долзарблиги ва ўрганилганлик даражаси. Файзулла Хўжаев Европадаги ишчи ва хизматчиларнинг иқтисодий ҳаёти Бухоро Республикасидаги баққол ва савдогарлардан ҳам устун эканлигига эътиборини қаратар экан, қолоқлигимизни тугатишнинг асоси – саноат ва қишлоқ хўжалигини замонавий технология билан қуроллантиришдадир, деган ҳақли хуносага келади. Ўз хатининг охирида ҳукумат раҳбари ўзининг шахсий аҳволи, соғлиги ҳақида маълумот бериб, Германия табиблари унга уч ҳафта давомида муолажа олишни таклиф қилганлари, тиббиёт ходимларининг баъзилари бошқа шаҳарларда бўлганлиги учун Файзулла Хўжайев Берлин атрофидаги бир қатор шаҳарлар борганлигини қайд этади. Бундан кўринадики, соғлиги танглигига қарамай, халқни маърифатли қилиш, иқтисодий ҳаётини яхшилаш, демократик эркинликлар бериш каби эзгу мақсадлар бу Бухоро фарзандини бир сония ҳам тарк этмаган.

А.Юсуфзода Г.В.Чичеринга топширган ёрлиқда Бухоро Социалистик жумхуриятга айлангач, Ўрта Осиё халқлари миллий белгига қараб худудий чегаралаш ўтказаётгани, миллий сиёсий ва маданий турмуш шароитларида мустақил ривожланишга эга бўлиши айтилган эди. Бу тарихий далиллар А.Юсуфзоданинг ўтган асрнинг 20-30-йилларида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий майдонда фаол иштирок этганини, о ъзининг бутун ҳаёти ва эътиқодини янги тузум равнақига бағишлаганини кўришимиз мумкин.

ЎзРФА тарих институти докторанти, тарих фани бўйича фалсафа доктори Дилноза Жамолова ҳам ёш бухороликлар етакчиси Усмонхўжа ҳақида ўз мақоласида жуда қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган. Муаллиф Усмонхўжанинг таълим, газета-журналлар, 1916-йилги мардикорликка қарши қурашибни ташкил этиш, БХСРдаги фаолияти билан бирга унинг ташқи сиёсати ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтади². Унда ёзилишича, 1922-йил январ ойи бошларида Усмонхўжа турк кўмондонлари билан тил топа олмагач, ихтиёридаги миллий ҳарбий қисмлар билан Беҳбудий (Қарши) шаҳрига етиб келади. Бу ерда шўролар билан бутунлай алоқани узиб, истиқлолчилар томонга ўтади. Миллий озодлик ҳаракатлари мағлубиятга учрай бошлагач, чет мамлакаларидан ёрдам сўраши учун Кобулга жўнайди. Кобулда 1922-йил 29-апрелда Бухоро Республикаси раҳбарларидан бири сифатида Афғонистон амири Омонуллахон билан Россияга қарши кураш олиб бориш учун шартнома имзолайди. Бундан кўринадики, Афғонистон амири ҳам шўроларнинг Туркистондаги сиёсатига салбий фикрда бўлиб, ўзининг ён қўшниси бўлган Бухоронинг кейинг тақдирига бефарқ бўлмаган, Бухоро аҳолиси билан бирга бир тан-у бир жон бўлиб озодлик йўлида кураш олиб боришга бел боғлаган.

Тарих фанлари доктори Қахрамон Ражабовнинг мақоласида, Файзулла Хўжайевнинг автобиографияси, 1936-йилда швейцариялик ёзувчи Майлларт хоним билан қилган сұхбати ҳамда 1918-йилда Россиядаги “саргузаштлари”

² Jamolova D.Milliy istiqlol va taraqqiyot kurashchisi//Xalq so'zi.2022-yil.№116.B-4. Rajabov Q, O'chib, so'nib... yana yonish bor...//Buxoro mavjlari. 2015-yil.№1.B-5.

ҳақида қимматли маълумотларни тақдим этган. Майлларт хоним билан сұхбат чоғида Файзулла Хўжайев отаси вафот этган пайтда Бухородаги жадидлар ҳаракатида фаол қатнашганлигини, орадан бир йил ўтгач эса миллий ёш бухороликлар фирмасининг йўлбошчисига айланганлини айтади³. Ушбу тарихий фактлар шундан далолат беради-ки, Файзулла Хўжайев нафақат ўзбек, тоҷик, рус тилида балки, немис тилида ҳам равон сўзлаша олган

Шунингдек, тарих фанлари доктори С. Иноятовнинг “Юсуфзода ҳалқ душмани эдими?” мақоласи ҳам диққат сазовор. Унда, асосан 1920-йилдаги Бухоро инқилоби ҳамда ёш бухороликларнинг пешқадамларидан Юсуфзоданинг Афғонистонга Бухоро Ҳалқ Совет Республикасининг Афғонистондаги мухтор вакили бўлиб ишлаши билан боғлиқ тарихий жараёнлар ўз аксини топган⁴.

Хуноса. Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб, XX аср бошидаги жадидлар сиёсий фаолияти, ҳалқни маърифатпарвар қилиш йўлидаги ҳаракатларида қатор тазиикларга учраганликлари ўз даврида сир сақланиб, мустақиллик йиллари матбуотида кенг ёритилган ва уларнинг фаолиятига оид қатор тадқиқотлар олиб борилган. Худди шу хилдаги мақолалардан яна бири Эргашев томонидан чоп этилган БХСР раиси Усмонхўжанинг фаолияти ва унинг ўғли Темурбекхўжа ҳақидаги рисола ҳам диққат эътиборимизни тортди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жадидчилик: ислоҳот, янгилиниш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Тошкент, “Универ”. – 1999. – В.58
2. Хўжаев Ф. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. Тошкент, “Фан”. – 1997. – В.63
3. Иноятов С., Шамсутдинов Р. Юсуфзода ҳалқ душмани эдими? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси. 1990-йил 21-декабрь. № 51. – Б.4

³

⁴

4. Жамолова Д. Миллий истиқлол ва тараққиёт курашчиси. //Халқ сўзи-2022-йил.№116
5. Қазоқов Б. Садриддин Айний мактубининг муаллиф дастхати. //Бухоро мавжлари -2008-йил.№5 – В.30